40 (540)-сон — 65 —

473-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

473 Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (1-сонли БХМС) «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» га ўзгартиришлар киритиш тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 474-1

(2012 йил 15 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ−4453-сонли «Статистик, солик, молиявий хисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 327-модда) мувофик **буюраман:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БХМС) «Хисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га (руйхат рақами 474, 1998 йил 14 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон) иловага* мувофиқ узгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Вазир Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2012 йил 18 сентябрь, 71-сон



^{*} Илова рус тилидаги матнда берилган.